



Албатта, бугунги сиёсий вазиятда, И.Каримов воқеъликдан узилган бир ҳукмдор ва айёр МХХ раиси Иноятов томонидан ўйнатилган, куч-қувватдан қолган бир қария таассуротини қолдиради. Аммо бу фақат зоҳирда шундай туюлади.

Гулнора атрофидаги шахсларга қарши операция Иноятов ва унинг «контора»сининг иши эмас.

Бу акция шахсан Каримовнинг буйруғи билан амалга оширилган ва унинг замирида, баъзи шархловчилар тахмин қилганидек, сиёсий эмас, балки молиявий сабаблар ётибди.

Бу операциянинг парда ортида яширин шахс — Гулноранинг онаси — Татьяна Каримова бор.

Эрини бундай радикал қадамга, яъни Гугушага энг яқин 4 кишини (унинг эри Рустам Мадумаров дохил) ҳибсга олишга айнан Татьяна Каримова ишонтирган.

Татьяна Каримова аввалдан бери тўнғич қизи Гулнорани, ўз миллионларини оиладан яширгани учун айблаб келарди.

Бутун дунёга овоза бўлган жанжалга ҳам сабаб айнан мана шу молиявий масала эди. Ҳа, ягона мотив — сиёсий эмас, ватанпарварлик ёки мамлакат обрўсини қутқариш нияти ҳам эмас — пул эди. Бу пуллар маълум кишиларнинг (улардан бир нечтаси Гулнора Каримованинг уйида ҳибс этилди) ҳисобларидаги пуллар эди.

Тасаввур қилинг, биргина шахс (Рустам Мадумаров) номига хорижий банкларда 160 та ҳисоб очилганди!

Татьяна Акбаровна Гулнорага қарши доимо ўзининг умумий ҳамёни бўлган кенжа қизи ва куёви Темур Тиллаевни «ҳимоя» қилиб келган.

Татьяна узок давом этган курашдан кейин ниҳоят қизининг оиладан яширилган бойликларнинг ва хорижий банкларда ҳисоби очилган шахсларнинг ва улар номига қайд этилган кўчмас мулкларнинг ҳибс этилишига эриша олди.

Бу акциянинг энг яқин ҳадафи — Гугушадан қолган-қутган бойликларни ҳам тортиб олиш. Истиқболдаги ҳадафи эса, Гулноранинг хориждаги миллионларини

ушбу кадр алмашувлари билан ҳамоҳанг ишламоқда (буни Ислам Каримовнинг ўзи ҳам қувватлаган).

Каримов МХХ раиси Иноятовга тўлиқ ишонмайди, шунинг учун бу сассиз кадр алмашувлари Иноятовнинг иштирокисиз ўтди, дейиш мумкин.

Каримовнинг ўзбек махсус хизматлари раисидан кўрқишига боис, Иноятов россияпараст мулозим бўлиб келган ва шундайлигича қолган.

Иноятов қандли диабет хастаси ва унда бугун ҳокимият марказида бўлиш каби орзулари қолмаган.

Унинг орзуси — тезроқ Москва яқинида Боровихадаги ҳашаматли вилласини қуриб тугатиш ва ўша ерда — Каримов фитналаридан йироқда — умрини ўтказиш.

ЎЗБЕК ДИКТАТОРИНИНГ ОИЛА ЖАНЖАЛИ ФОНИДАГИ ЎЛКА ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

Ўзбекистонга, яъни оиланинг кассасига, қайтариш. Биздаги маълумотларга кўра, шахсан Ислам Каримовнинг ҳисобида 12 миллиард доллар бор.

Гулнорапарастматбуот(uznews.net) эса бу ва Г.Каримовага қарши ва унинг атрофига қарши бошқа босим воқеаларини гўёки режим ва МХХнинг Г.Каримовага қарши уруши ҳамда Гулноранинг МХХ ғазабига учраганига мисол ўлароқ тақдим этаяпти.

Аслида, Г.Каримова ўз онаси ва сингиси ғазабига учраган. Бундай алғов-далғовдан давлатдаги нуфузли шахслар Каримовдан кейинги ҳокимият инфраструктурасини тайёрлаш мақсадида ўз ўйинларини бошлаб юборишди.

Масалан, кучишлатар тизимлар бўйича маслаҳатчи Жамшид Файзиев бу тизимларнинг ўрта бошқарув қатлами таркибини деярли тўлиқ янгиларди.

Бу ўтиш даври арафасида ўта муҳим қадамдир. Ички ишлар вазирлигининг янги раҳбари ҳам

Сўнги 20 йилда у ҳокимиятда экан, жуда катта бойлик орттиришга муваффақ бўлди ва ўзининг бу борлигини таҳликага қўймоқчи эмас.

Унинг ўринбосарлари, нисбатан ёш ва иддаоли генераллар Шухрат Ғуломов ва Ҳаёт Шарифхўжаев аллақачон ўз автоном ўйинларини олиб бормоқда ва энди «Бўри қариб бўлган» деганларидек, ўз шефидан кўрқадиган эмаслар.

Бугунги кучлар нисбатида яна бир ўта муҳим шахс бор бу — Бош вазир ёрдамчиси Рустам Азимов. Кланлар орасидаги кўпчилик уни Каримовдан кейинги Ўзбекистон раҳбари сифатида кўради. Чунки Каримов унга хайрихоҳ, чунки Рустам Азимов Каримовнинг хориждаги миллиардларининг кўрикчиси ва тасарруфчиси.

Расмий тизимлар билан параллел равишда яна бир гуруҳ — ҳокимиятни (тинч) топшириш жараёнига тайёргарликдан маъсул гуруҳ — ишлайди.

(Давоми келгуси саҳифада)

ДИКТАТОРИНИНГ ОИЛА ЖАНЖАЛИ ФОНДАГИ ЎЛКА ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу гуруҳ асосан истеъфодаги Махсус Хизмат полковниклардан ташкил топган.

Бу ҳам воқеалар ривожига зимдан таъсир ўтказа оладиган ўта муҳим фактордир.

Улар расмий шахслардан кўра эркинроқ ҳаракат қилади ва уларнинг фаолият майдони ҳам расмий шахслардан кўра анча кенг.

Бу орада ўзини «муҳолифат ва муҳолиф матбуот» дея атаётган кичкина тўда бор, бу тўда адолат ва сўз эркинлиги учун ўз отасининг шафқатсиз режимига қарши, курашиб хўрланган Гугуша билан бирлашиш орзусида.

Бу тўда ўзининг «бирлашиш ғояси»ни қабул қилмаётганларни безбетларча «уруш тарафдорлари» эълон қилмоқда.

Каримов режимининг принци-пиал душманларига қарши бу гуруҳнинг андишасиз баёноти ва хуружлари жамоатчиликнинг фаол қисмининг кун тартибини ишғол этмоқда.

Бу гуруҳ аслида диктатор қизининг обрўсини тиклаш уринишининг бир парчаси, ва у ўзини Каримов ҳокимиятини нисбатан камроқ диктатор бўлган кўлларига топшириш каби «олийжаноб мақсад»ни рўёбга чиқаришда воситачи қилиб кўрсатмоқда.

Яна маълумотлар бор-ки, айна мақсад билан «янги конструктив муҳолиф партия» тузиш бўйича иш бошланган.

Бу «партия» таркибига «маълум шахс» Пўлатовдан айрилган собиқ «Бирлик»чилар киритилган эмиш. Яъни бу «партия», режага кўра, Г.Каримова обрўсини тиклаш лойиҳасининг сиёсий тираги бўлиши керак.

Мана шунақа ўйинлар.

Аммо Юнус Эмро айтганидай, «Боқайлик, Аллоҳ на айлар, на айласа гўзал айлар».

Мухаммад Солих



Ўтган кўзда Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати президентнинг тўнғичи Гулнора Каримовага қарашли экани тахмин этиладиган бизнес гуруҳлари, теле ва радиостанцияларни ёпиб, унинг сиёсий ва жисмоний имконларини кескин камайитиришга бошлади.

Бу ҳаракатга жавобан Гулнора Каримова МХХ раиси Рустам Иноятов ва унинг гуруҳига қарши Twitter ижтимоий тармоғи орқали даҳанаки жанг бошлади.

ГУЛНОРА ВА МХХ ЖАНГГИ: ТОМОША НИМА БИЛАН ТУГАЙДИ?

2 январь куни отаси билан учрашгани ҳақида хабар таркатган Каримова, ўтган ҳафталар ичи ёзишмаларини кескин камайитирган ва ўзининг янги ижодий лойиҳалар устида ишлаётгани ҳақида билдирган эди.

Каримованинг Twitter жанги ҳовурдан тушиб, томонлар ўртасида ўзига хос сулҳ тузилганига оид тахминлар кучайган бир пайтда, 17 февраль куни Ўзбекистон Бош прокуратураси сайтида Гулноранинг энг яқин шерикларига нисбатан жиноят иши очилгани хабари пайдо бўлди.

19 февраль куни бу хабарга қўшимча, тергов идораларига мажбурий равишда олиб келингани айтилган 10 нафар шахснинг Ўзбекистон конунларида кўзда тутилган энг оғир иқтисодий жиноятларда айбланаётгани ҳақида навбатдаги прокуратура баёноти пайдо бўлди.

Буларга қўшимча, Twitterда Гулнора Каримовага қарашли экани тахмин этилаётган Яккасарой тумани, Миробод кўчаси, 9а уйнинг 7-қаватида жойлашган 11-хонадонига махсус гуруҳ балкондан тушиб, рейд ўтказгани ва Каримованинг рейд пайтида айна шу манзилда

бўлгани ҳақида хабар пайдо бўлди.

Бу рейд, Twitterга Гулнора ёки унинг ёнидагилар томонидан ташланган хужжат нусхасига кўра, Тошкент шаҳар прокурорининг коррупция ва иқтисодий жиноятлар бўйича ўринбосари Мирағлам Мирзаев санкцияси томонидан амалга оширилган.

Айнан Гулнора Каримова Twitter ёзишмаларида бир неча бор кескин фош этилган Мирзаев эса Гулнора ўзининг 1-рақамли душмани деб эълон қилган МХХ раиси Рустам Иноятовнинг катта опасига қайин ини бўлади ва мустақил нашрларга кўра, расмий лавозимига қарамай, республика прокуратурасидаги белгилловчи шахслардан биридир.

Бош прокуратурада Гулнора Каримованинг энг яқин бизнес

шерикларига нисбатан айнан Швейцария ва бошқа катор Европа давлатлари прокурорлари қўйган айбларнинг қўйилиб, терговга тортилиши, жамоатчилик орасида Гулнора Каримова МХХ билан жангда ютқизди, деган тахминларни кучайтириб юборди.

Озодлик сўнгги воқеалар фониде бу жангни яқиндан кузатиб келаётган журналист ва муҳолифат етакчиларига юзага келган жорий вазиятга муносабат билдиришни сўраб мурожаат қилди.

“Гулнорани сиёсий майдондан жисмонан йўқ қилишмоқда”

Галима Бухорбаева, UzNews.net бош муҳаррири:

- Биринчидан, мен бу воқеаларнинг ўйин экани ҳақидаги фикрларга қўшилмайман.

Агар одамлар қамоққа олинди, ишончим комилки, адвокат ҳимоясидан маҳрум қилиниб, изоляцияга олинган бўлса, бу жиддий жараён дир. Менинг билишимча, ҳозирда Гулнора Каримова уй қамоғига олинган, ундан барча алоқа воситалари олиб қўйилган, шахсий қўриқчилари олиб ташланган ва мххчиларнинг доимий назоратига остига олинган.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Буларнинг барчаси биз айни кунларда Гулнора Каримованинг мамлакат сиёсий саҳнасидан жисмонан йўқ қилинаётганига гувоҳ бўлаётганимизни англатади.

Бу жараёнда яқинларгача Гулнора намояндаси бўлган репрессив режим оддий фуқароларга нисбатан қўллаб келинган барча усулларни ишга солмоқда.

Гулнора билан бўлаётган воқеаларни, кимлардир, адолат тантанаси, унинг ўзи ноҳалол ва коррупционер эди, деб талқин этмоқда. Аслида бу ерда ҳеч қандай адолат ҳақида гап кетаётгани йўқ. Бу Гулнорани жазолашдир. Бу кучайиб, энди сиёсий ҳокимиятга интилаётган бир системанинг ўзига рақиб билган бошқаларни ўта шавқатсиз тарзда жазолаши намунасидир, холос.

Гулнорага қарши бу ҳаракатлар, Каримов заифлашиб, изоляцияга олинган ва оила ўртасидаги зиддият ниҳоятда жиддий тус олган бир пайтда амалга оширилмоқда.

Бундай вазиятда Гулнорага қарши кучлар билан бирга бўлган унинг онаси, ҳатто ақлдан озиб, Гулнорани ўлдиришгача бориб етиши мумкин. Менимча Гулноранинг куёши ботди ва яқин орада бутун Ўзбекистон унинг қонига булғаниши мумкин.

Гулноранинг истиқболи тугади

Нигора Ҳидоятлова, “Озод дехқонлар” партияси:

- Бу сиёсий системанинг ўта чуқур инкирози. Ўзбекистонни битта оила бошқараётгани боис, бу инкироз биринчи оила ичидаги инкироз мисолида намоён бўлмоқда.

Бу инкироз ҳокимият алмашинуви билан тугайди ва ҳозирги воқеалар шу жараён ифодасидир.

Гулнорага келсак, унинг устидан ҳукм чиқариб бўлинди ва у ортиқ сиёсий майдондаги куч ёки сиёсий жараёнларга таъсир қилиш имконига эга шахс бўлмай қолди. Балки МХХ ва Гулнора жангги томонларнинг махфий келишуви билан яқунлар. Зотан, Гулнорада шарт қўйиш, воқеаларнинг кейинги ривожига таъсир қилиш қудрати қолмади. Уни ташқарига чиқариб юборишларига ишонмайман. Мабодо келиша олмасалар, воқеаларнинг ғайриоддий тарзда ривожланиб, Гулноранинг ҳам қамокқа олинишини эҳтимолдан

соқит қилмайман.

Ўзбекистон прокуратураси Европа прокурорларига жавоб қайтарди

Шоҳида Тўлаганова, Ўзбекистонлик мустақил журналист:

- Диккат қилинг, Ўзбекистон прокуратураси жиноят иши очган Рустам Мадумаров, Гаяне Авакян ва Екатерина Ключевалар айнан Швеция, Швейцария ва Франция прокурорлари тергов очган айни шахслардир.

Улар Европада ҳам коррупция, ноқонуний тизимлар орқали катта миқдордаги пулларни ювиш амалиётларида гумонланмоқда.

Мадумаров, Авакян ва Ключевалар оффшор худудда рўйхатга олинган ўнлаб ширкат эгаларидир.

Бу ширкатларнинг бирортасида

ГУЛНОРА ВА МХХ ЖАНГГИ: ТОМОША НИМА БИЛАН ТУГАЙДИ?

Гулноранинг номи расман қайд этилмаган ва Ўзбекистон прокуратураси ҳам бу ишларнинг Гулнорага бевосита алоқадорлиги ҳақида лом-мим демади.

Шунинг учун мен Ўзбекистон прокуратурасининг Гулнорага яқин шахсларни қамокқа олиб, жиноий иш очиши Швейцария банкларида музлатилган юзлаб миллион пулни қайтариб олиш истаги билан боғлиқ деб ўйлайман.

Агар бу ҳаракатларнинг асосий нишони Гулнора бўладиган бўлса, нега уни қамокқа олишмади, нега унга қарши жиноий иш очилмади?

Энди ҳамма гуноҳ Гулноранинг ёнидагиларга қўйилади, улар ўғри-жиноятчига чиқарилади, лекин Гулноранинг бурни ҳам қонамайди.

Бу одамларнинг, аслида Швейцария ёки бошқа давлат банкларидаги миллионларгаям, қимматбаҳо қаср ва уйларга ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Гулноранинг пуллари ва кўчмас мулклари унинг сантехнигидан то хизматкоригача бўлган беғуноҳ одамлар номига расмийлаштирилган ва энди таёқ шуларнинг бошида синади.

Гулноранинг отаси ҳокимиятда турар экан, унга ҳеч нарса бўлмайди.

Айрим журналистлар Ўзбекистонда МХХ ҳокимият тўнтариши бошлади, деган тахминларни тарқатмоқда. Аммо ҳозирча

мен Инояттов, МХХ Каримов ва унинг оиласига қарши жазо кампаниясини бошлагани, путч бошланганига оид иддаоларга қўшилмайман.

Бунақа аломатларни, ҳозирча, кўрмайман.

Ўзбекистон МХХ монолит тизим эмас, унинг ичида турли гуруҳлар бор ва бу гуруҳларнинг ўзаро қурашаётганини инкор этиб бўлмайди.

Аммо ҳозирча Каримов ҳокимиятни йўқотиб, тизгин Инояттов гуруҳига ўтди, дейишга асос бўлувчи аниқ ахборот йўқ.

Лекин айни пайтда, Ўзбекистон эртаси ҳақида тайинли прогноз қилиб бўлмайдиган бир босқичга кирдик. Бугун биз эртага Каримов жойида бўладими-йўқми, деган саволга тайинли жавоб бера олмай қолдик.

Ҳаммаси Холливудча “Happy end” билан тугайди

Сергей Ежков, Uzmet-gonom интернет газетаси бош муҳаррири:

- Бу воқеалар президент Каримовнинг қонун олдида ҳамма баробар деган принципга содиқлигини кўрсатмоқда.

Бу борада, биринчи навбатда ўзининг оиласи бошқаларга ўрناк бўлиши лозим.

Сўнгги воқеаларда президентнинг қизи ҳақида сўз бораётгани йўқ. Ҳамма гап унинг номини, унга яқинлигини суистеъмол қилган Гулноранинг атрофидагилар ҳақида бормоқда.

Тўнғич қизнинг ёнидагилар ҳам қолган ўзбекистонликлар яшаётган қонунларга мувофиқ яшашлари лозим. Энг муҳим жиҳат шунда.

Мен бу ишлар президент командаси билан бўлаётгани ҳақида гапирмайман.

Бор гап, қонун устиворлигини таъминлаш устида кетмоқда.

Агар бу жараёнлардан ташқарида қолаётган бошқа шахслар бўлса, уларга ҳам навбат келади.

Бу тозалашда уларга ҳам навбат келади, ҳозирга тегилмаётганлар кўп хурсанд бўлишмасин.

Тегирмон навбати билан, ҳамманинг гали келади...

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Бироқ кавказлик мужоҳидларнинг етакчиси Чор армиясига қарши олиб бораётган курашини тўхтатишдан бош тортади.

Шомилнинг қатъиятлигини кўрган тоғликлар имомнинг онасига мурожаат қилишади ва ундан ўғлига таъсир қилишни илтимос этишади. Ва она босқинчиларга қарши қуроли курашни тўхтатишни илтимос қилиб, ўз ўғлига мурожаат қилганда, кавказлик имом ўзининг мана бу тарихий сўзларини айтади: "Эй, тоғликлар!

Мен қандай йўл тутай? Сиз ва онам Ватанимнинг босқинчиларига қарши олиб бораётган курашимни тўхтатишимни истаяпсизлар. Бироқ сизларни ҳам, онамни ҳам, мени ҳам яратган Аллоҳ бизга куфр ва кофирларнинг босқини билан муроса қилишни таъқиқлаган.

Хўш, мен кимнинг хоҳишини бажаришим керак: сизларнинг хоҳишингизими ёки Аллоҳнинг хоҳишини? Эътиқодли бир мусулмон сифатида мен биз мусулмонларга босқинчиларга қарши курашишни фарз қилган Аллоҳнинг иродасига қарши бора олмайман.

Рус подшоши бутун Кавказни қиличдан ўтказса ҳам, мен қуролимни ташламайман. Зулм ва куфр олдида тиз чўкиб, узоқ яшагандан кура, дин учун ўлиб, шаҳид бўлган яхшироқ. Ва шуни ҳеч қачон эсдан чиқарманларки, биз таслим бўлиб, курашни тўхтатсак ҳам, руслар тинч аҳолини ўлдиришни тўхтатмайдилар.

Чунки муқаддас Қуръони Каримда Аллоҳ Таоло: "Яҳудий ва насоролар сиз мусулмонларга қарши урушишни то сизлар уларнинг динларига ўтмагунингизча тўхтатишмайди", деган. Аллоҳ алдамайди ва адашмайди".

Ливияда кўп йиллар мобайнида италиялик босқинчиларга қарши курашиб ўтган Умар Мухторнинг тарихини эсланг! Италия армиясининг бир ҳовуч ливиялик мужоҳидлар олдидаги ожизлигини кўргач, Апеннин яриморлидан келган фашистлар тинч ливияликларни ўлдиришга тушишади.

Ва шунда баъзи "тинчликсевар" муллалар келиб, Умар Мухторни "оддий фуқароларнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун ўз ихтиёрига кўра таслим бўлиш"га чақирашади. Бироқ ливиялик мужоҳидларнинг етакчиси ҳам доғистонлик Шомилнинг жавобига ўхшаш жавоб қайтарди.

Афғонистон ва Ироқда тинч аҳолини ўлдирган ва ўлдираётган НАТО босқинчиларига қаранг: улар ҳам шу йўл билан ушбу мамлакатларнинг аҳолиси

мужоҳидларни қўллашдан қайтишига ва мужоҳидлар ўз ихтиёрларига кўра НАТО қўшинлари олдида таслим бўлишига эришмоқчилар.

Ўз диктатурасини сақлаб қолиш ҳамда халқ ва халқ ҳимоячилари ўртасида низо чиқариш йўлида ўз мамлакатидоги тинч аҳолини бомбардимон қила бошлаган Б.Асад ҳам ана шу йўлдан бормоқда.

Мусулмонларга қарши кураш жабҳасида Ғарбдаги ҳамкасблари изидан бораётган Б.Асад мужоҳидлар Суриядаги тинч аҳолининг ҳаётини сақлаб қолиш учун таслим бўлишни истаяпти.

Босқинчи ва мустабидларнинг ўз душманларига қарши қўллайдиган ушбу усули "тинч аҳоли билан шантаж қилиш", деб айтилади.

кўтариб инкор қилаётган каримовпараст ва аксилкаримовчи "тинчликсеварлар" диктатурага қарши кураш усулларидан нафақат бошқаларини, балки ўзлари ёқтирадиган тинч усулларни ҳам таклиф қила олмайдилар.

Агар "реасетан"лар Каримов диктатурасини навбатдаги парламент ва президент сайловларида қатнашиб ағдаришни таклиф қилишса, бутун ўзбек халқи уларнинг бу таклифини: "Ушбу кураш усулининг имкони бўлса, мазкур сайловларга ўз номзодингизни қўйиб кўринг-чи!", деб масхара қилади.

Лекин "тинчликсеварлар" ўз номзодларини қўя олмайдилар, чунки режим аксилкаримовчи номзодларнинг сайловларда

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: СУРИЯ САБОҚЛАРИ ВА "ТИНЧЛИКСЕВАРЛАР"ГА ЖАВОБЛАР

Бу ҳақида кўпчилик билади. Шунинг учун тараққийпарвар кишилар қуроолланган муҳолифатни диктатурага қарши олиб борилган қуроли кураш оқибатлари учун ҳам, уруш бошлангани учун ҳам айбламайди.

Ахир, Суриядаги урушнинг асл сабаби исёнчи ва мужоҳидларнинг диктатурага қарши олиб бораётган қуроли кураши эмас, балки диктатор Башар Асаднинг ҳар қандай йўллар билан иқтидорда қолишга уринаётганлиги эканлиги кўрга ҳам аён.

Бироқ юқорида таъкидланганидек, аксилкаримовчи ва каримовпараст лагерлардан чиққан "реасетан"ларнинг фикрлаши бошқача: ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетишида улар золимни эмас, золимга қарши исён кўтарган мазлумни айблашади.

"Реасетан"ларнинг фикрича, тинчликни сақлаш учун мазлум қўлига қурол олмаслиги ва золимга қарши кутарилмаслиги керак.

Аслида Каримов диктатураси тақдирдан ташвишланаётган "реасетан"лар: "Эзгу ниятли урушдан ёмон оқибатли тинчлик яхши", дейишни яхши кўришади.

Каримов диктатурасига қарши ҳарбий йўллар билан курашиш зарурлиги ҳусусида қилган қақириқларимизни жазаво билан кутиб олган "тинчликсевар кучлар" ўзбек халқига бошқа кураш усулларини таклиф қила олишмайди. Шундай қилиб...

"Тинчликсеварлар"нинг имконсизлиги

Ҳа, қуроли курашни жазаво

иштирок қилишига ҳеч қачон йўл қўймаган ва бундан кейин ҳам йўл қўймайди.

"Тинчликсеварлар" диктатурага қарши кураш усулларидан тинч пикет ва намойишлар ўтказишни ҳам таклиф қила олмайдилар. Чунки ўзбек халқи Андижондаги тинч намойишчиларни отиб ташланганини ҳали эсдан чиқаргани йўқ. Яқинда Каримов диктатураси украин муҳолифатини қўллаган ижодкор зиёлиларни ҳам изоляторларга тиқиб ташлади.

"Реасетан"лар Каримов ҳукуматини Ғарбнинг кўмаги билан алмаштириш ҳақида ҳам оғиз оча олишмайди.

Чунки Ислом Каримов фақат мустабид Россия ва Хитойни эмас, балки "демократик" АҚШ ва ЕИни ҳам тўла қаноатланирмоқда.

Шундай экан, хориж бизга ёрдам бермайди!

Ушбу вазиятда ўзбекистонлик "тинчликсеварлар" Каримов диктатурасига қарши курашини охириги йўли ҳарбий ҳаракатлар эканини жуда яхши тушунишади. Каримов ўзбек халқи учун қуроли курашдан бошқа йўл қолдирмаганини улар ҳам билади.

Бироқ аксилкаримовчи ва каримовпараст "тинчликсеварлар" барибир ҳарбий ҳаракатларга қарши чиқмоқдалар. Нега?

Чунки қуроли курашга қақириқ диктатор Каримовнинг асосий рақиби Мухаммад Солиҳ бошчилигидаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (УХХ) сайтининг саҳифаларидан туриб амалга оширилганди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Айнан аксилкаримовчи баъзи "реасетан"ларнинг ўзбек муҳолифати етакчисига нисбатан шахсий адовати қуролли курашга чақиригимизга қарши уларнинг бемаъни чинқиришига ва қаттиқ жазавога тушишига сабаб бўлди. Шунинг учун улар дарров: "Каримов диктатурасини ҳарбий йўллар билан афдаришга чақириш УХХни қонун ташқарисига олиб чиқиб кўяди", дея бақира бошлади. Ваҳоланки, ушбу чақириқни УХХ ва Мухаммад Солиҳ эмас, балки бизнинг гуруҳ, яъни "Ҳақназаровнинг гуруҳи" қилганди!

Нега энди жазавога тушган "реасетан"лар ушбу чақириқ, гўёки, жиноят эканлигида бир овоздан бизни, яъни чақириқнинг муаллифларини эмас, балки чақириққа умуман алоқаси йўқ УХХ ва Мухаммад Солиҳни айблашга тушишди?

Чунки ўша "тинчиликсеварлар" бизни эмас, УХХ ва унинг лидерини кўпроқ ёмон кўришади. Чунки улар Каримов ва у яратган режимнинг ўрнига Мухаммад Солиҳ ва УХХ келишидан хавотирга тушмоқдалар. Мана жазаванинг илдишлари қаерда!

Ишончимиз комил-ки, агар, масалан, эрта-индин АҚШ ва ЕИ Каримов диктатурасига қарши қуролли курашни маъқулласалар, барча "тинчиликсеварлар" жазавога тушишни дарров тўхтатишади. Улар дарров ҳарбий ҳаракатларни Ўзбекистондаги аксилҳалқ режимга қарши курашнинг яккаю-ягона усули сифатида олқишлаб бошлашади. Худди Ироқ, Ливия ва Тунисдаги мустабид режимларга қарши бошланиб кетган қуролли курашни мактагандек кўкларга кўтаришади! Бунинг учун "тинчиликсеварлар"га Фарбнинг буйруғи керак. Ҳозирча эса бундай буйруқ йўқ.

Шундай экан, Каримов диктатурасини афдаришни ният қилган ўзбек муҳолифати исломофоб, ўзбекофоб ва ирқчилардан чиққан ўзбек "тинчиликсеварлари"нинг ҳозирги ҳулқ-атворини эътиборга олиб, келажакда уларнинг турланишлари ва тусланишларига тайёр туриши керак. Бундан ташқари, Каримов диктатурасига қарши курашда қўлларига қурол олишдан чўчимайдиган муҳолифатчилар Суриядаги воқеалардан ҳам сабоқ олиб, тегишли ҳулоса чиқаришлари керак. Шундай қилиб...

Сурия сабоқлари

Биринчидан, Каримов диктатурасига қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлангудек бўлса, диктатурага ёрдамга келадиган кучлар топилиб қолади. Худди Б.Асад диктатурасига қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланганда Россия ва Эрон ҳукуматлари суриялик

диктаторга ёрдамга келгани каби. Каримов диктатурасига қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлангудек бўлса, нафақат ШХТ ташкилоти (Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон), балки ҳозирда И.Каримовнинг диктатурасидан манфаатдор НАТО мамлакатлари ҳам расмий Тошкентга ёрдам қўлларини чўзишади.

Иккинчидан, Ўзбекистондаги диктатурага қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлангудек бўлса, И.Каримов ўз ҳокимиятини қўлдан чиқармаслик учун мустабидлик ва золимликанъаналарига содиқ қолган ҳолда ҳеч нарсадан қайтмайди. Биринчи навбатда у золимланинг энг яхши кўрган усулига – тинч аҳоли билан шантаж қилишга қўл

музокараларда улар янги ўзбек ҳукуматига ўз малайларини тиқиштиришга ҳаракат қилишади.

АҚШ ҳукумати билан музокараларга киришиб, уларнинг илтимосига кўра Мисрнинг янги ҳукуматига Фарбнинг малайи фельдмаршал Абдулфаттоҳ Сисийни олган президент Мухаммад Мурсийнинг ачинарли тажрибасини унутмаслик керак. Ушбу генерал Мурсийнинг ҳукумати фақат битта мақсадда – Миср халқи сайлаган президентни афдариб, мамлакатда янги исроилпараст диктатурани тузиш мақсадида киритилган эди.

Мурсийнинг тарафдорлари президентни огоҳлантириб, янги ҳукуматга А.Сисийни олмасликни қаттиқ илтимос қилишганди. Улар ҳаттоки Қуръондан мисол

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: СУРИЯ САБОҚЛАРИ ВА "ТИНЧИЛИКСЕВАРЛАР"ГА ЖАВОБЛАР

уради. Хусусан, муҳолифатнинг қуролланган бўлинмалари тинч аҳоли ҳаёти ҳақида қайғуриб, курашни тўхтатишлари учун Каримов Ўзбекистоннинг тинч аҳолисини ўлдира бошлайди. Кекса диктатор И.Каримов ўзининг ёш "ҳамкасби" Б.Асаддан ўрнак олиб, ўзбекистонликлар қуролли муҳолифатга қарши чиқишлари учун тинч аҳолининг уйларини бомбардимон қила бошлайди.

Учинчидан, Каримов армиясининг бомбаларидан ва ҳужумларидан тоқати тоқ бўлган тинч аҳоли ўз ҳимоячиларидан, яъни қуролли муҳолифатчилардан Ислом Каримов ҳукуматига қарши қуролли курашни тўхтатишни сўрайди.

Тўртинчидан, каримовпараст оммавий ахборот воситалари ҳамда "мустақил" ва "блокровка қилинган" аксилкаримовчи сайтлар тинч аҳолини ўлдиришда Каримовнинг армиясини эмас, балки ўзбек муҳолифатининг қуролланган бўлинмаларини айлаб бошлашади. Яъни, улар ушбу бомбардимон ва қатлиомнинг асл ташаббускорини эмас, бу ишларга алоқаси йўқ томонни, яъни бегуноҳ тарафни айблашга тушишади.

Бешинчидан, Каримов диктатураси муваффақиятли афдарилган тақдирда халқаро ташкилотлар ва йирик давлатлар пайдо бўлиб, "Ўзбекистоннинг янги ҳукумати" ёки "ўтиш даври ҳукумати" тузиш учун музокаралар столига ўтиришни таклиф қила бошлашади. Ҳар қандай вазиятда улар билан музокараларга бормаслик керак, чунки бундай

келтириб, Аллоҳ томонидан муслмонларга қарата юборилган "Ўз тақдирингизни ўзларингиздан бўлмаганлар билан ҳал қилманглар", деган оятни эслатишганди. Аммо диндор деб ҳисобланган Мурсий ўз тарафдорларига қулоқ солмади ва Қуръоннинг бу талабига эътибор бермади. Мана энди у, афсуски, ўзи йўл қўйган сиёсий хатоларнинг меваларини татимокда. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

"И.Каримов умрининг охиригача иқтидорга қолишга қарор қилди" сарлавҳали аввалги мақоламиз ким Каримов диктатурасини ҳақиқатдан ҳам афдаришни истаяптию, ким эса бу ҳақида фақат қуруқ гап сотаётганини аниқловчи ўзига хос лакмус қоғози бўлди.

Ушбу материал яна бир бор шуни кўрсатди-ки, Каримовнинг кўп йиллик диктатурасини афдаришга қаратилган ҳар қандай реал ҳаракат ўзини мустабид режимга муҳолиф қилиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган сиёсий фирибгар ва товламачиларни фош қилади.

Ахир, диктатурага қарши реал ҳаракатлар шинам кабинет ва қулай уйларда тайёрланадиган танқидий мақолалар ёки хорижий оммавий ахборот воситаларига бериладиган чиройли интервьюлар эмас-да. Реал кураш ҳамиша аксилкаримовчи ва каримовпараст лагерлардан чиққан конформистлар ва "тинчиликсеварлар" ёқтирмайдиган ноқулайлик ва ҳаёт учун хатардан иборатдир.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ
сиёсатшунос 10,02,2014



Иброҳим алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг уруғи

Иброҳим бин Тораҳ (Озар), бин Наҳор, бин Саруғ (Шаруғ), бин Рау (Аргу), бин Фалиғ, бин Обир, бин Шолих, бин Арфаҳшад, бин Сом, бин Нуҳ алайҳиссаломдир (1).

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Тораҳ (Озар) Ҳаррон қавмидан эди (2). Унинг Куфа билан Басра орасидаги Куса қишлоғидан эканлиги билдирилади (3). Ҳаррон катта шаҳар бўлиб, Мудорнинг бир тумани эди. Раҳо билан ораси бир кунлик, Ракка билан эса икки кунлик йўл эди. Мусул-Шом ва Рум йўли устидадир. Тўфондан сўнгра ер юзида илк қурилган шаҳар (4). Куса Бобил тўпроғидаги Ироқ қишлоқларидан бўлиб, Фирот дарёсидан Ироққа оққан бир irmoқнинг ҳам отидир (5).

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Тораҳ (Озар) Қирол Намруднинг бутларига қараб турадиган хизматчи эди. Ҳарронда очарчилик бошланганда оиласини (6) Намруднинг истиқомат қилаётгани (7) Кусага кўчирганди (8).

Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси

Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси Арфаҳшад бин Нуҳ ўғилларидан Карнбо бин Кусанинг қизи Нуна ва ёки Афройим бин Аргу бин Фолиғ, бин Обир, бин Шолих, бин Арфаҳшад, бин Сом, бин Нуҳнинг қизи Абуна эди (9).

Иброҳим алайҳиссаломнинг шакл ва шамоили

Иброҳим алайҳиссалом ўрта бўйли, оқ юзли, ола кўзли (Мир Хованд. "Равзот ус-сафо", Таржима. 187- саҳифа), оқ сочли, кулар юзли, хушрўй, очик пешонали, узун ёнокли, оқ соқолли киши эди (10).

Унга инсонлардан энг ўхшагани — оёқ изларига (11), — Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом эдилар (12).

Қирол Намруд ва маърифатлари

Намруд биринчи марта ёмон йўл очган (13), биринчи марта бошига тож кийган (14), биринчи марта юлдузларнинг ҳолати ҳақида назариялар ўйлаб, амалиётлар қурган одам эди.

У Қобилдан сўнгра оташга илк топинган инсон эди.

Ердан бир оловнинг чиққанини кўрса, бориб олдида сажда қилган ва олов устида бир бино қурдириб, унга қараб турадиган бир хизматчи тайинлаган одам эди (16). Одамларни ўзига сизинишга илк даъват этган киши ҳам у эди (17).

Халқнинг само илми билан шуғулланиши

Намруд замонида инсонлар ҳам юлдузлар илми билан шуғулланиб, кун ва ой тутилиши тарихини ҳисоблаб, юлдузларнинг мавқеларини белгилашарди (18), юлдуз ва фалакни ўрганиш учун ясаган асбоблари билан, ҳар хил хулосалар чиқаришарди (19).

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (7).

Намруднинг туши ва даҳшатли тадбирларни бошлаши

Ривоятга кўра, ўша даврда тушида (20) бир юлдузнинг туғилганини кўрди. Бу юлдуз порлоқликда ой ва кувёшни ҳам хиралаштирганди. Намруд бундан жуда кўрқди. Сеҳрбозлар, коҳинлар ва қоифлар (оёқ изи ва юз чизгиларидан хулоса чиқарадиганлар) ни чақириб, бу тушнинг сирини сўради (21). Улар:

- Сенинг ўлкангда бу йил бир бола туғилади, у халқнинг динини ўзгартиради (22), сенинг ўлиминг, салтанатинг заволи унинг қўли билан бўлажак, — дейишди (23).

Уша пайтда Намруд Куфа Бобилида истиқомат қиларди. Бу хабардан кейин бошқа бир қишлоққа кўчди. Аввалги жойидан бутун эркакларни чиқарди, фақат хотинларни қолдирди (24). Ҳар унта эркак устидан битта ишонарли назоратчи тайинлади (25). Туғилган эркак гўдакларнинг ҳаммасини ўлдиришни буюрди (26). Ва туғилган бутун эркак болалар ўлдирилди.

Аммо Намруднинг ўша шаҳарда бир иши чиқиб қолди. У ерга ўзи ишонган биттасини юбориши керак эди, бу ҳам Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Озар эди. Уни чақирди (27).

- Мен сенга бир иш топшироқчиман. Сенга қаттиқ ишонганимдан юборяпман. Оилангнинг ёнига бормаслик, у билан муносабатда бўлмаслик ҳақида онт ич (28). Менга қара, хотининг билан асло муносабатда бўлма лекин! — деди Намруд (29).

Озар:

- Мен бу хусусда динимдан заррача ҳам бой бермайдиган хасисман!, — деди (30).

Шунда Намруд унга вазифасини тушунтирди. Озар топширикни бажариб бўлиб, "энди оиламни ҳам

кўриб кетай, нима қилаётган экан", деб (31) оиласи ёнига борди ва Намрудга берган сўзини тута олмади.

Кейин оиласини Куфа билан Басра ўртасидаги бир қишлоққа олиб бориб, ертўлага яширди. Емак ва кийим-кечаклар билан таъминлади.

Анча вақт ўтди, бирор ҳодиса юз бермади. Намруд "демак сеҳрбозлар ёлғон сўйлабди", деди. Ва эркакларга "юртларингизга қайтаверинг" деб буюрди.

Эркаклар юртларига қайтдилар (32).

Ибн Исҳоққа кўра, Иброҳим алайҳиссалом туғилиш олдида мунажжимлар Намрудга:

- Сенинг қишлоғингда Иброҳим исмли бир бола туғилиб (33), сенинг динингни рад қилажак, жамоатингни парчалажак (34), халқни динидан ажратиб, бутларни синдиражак, дейишди. Намруд қишлоқдаги бутун хотинларни тўплаб назорат

остида тутди. Аммо Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси ёш бўлгани учун ҳомилдорлиги билинмади ва назоратдан четда қолди. Намруд билдирилган ойда (35) туғилган барча эркак болаларни ўлдирди (36).

Иброҳим алайҳиссаломнинг туғилиши ва моғорада ўсиши

Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси туғиш вақти келганида кечаси уйдан чиқиб, яқиндаги бир моғорага кетди ва Иброҳим алайҳиссаломни у ерда туғди (37).

Ибн Исҳоққа кўра эса, Иброҳим алайҳиссалом Ироқда Бобилнинг Куса қишлоғида ҳозиргача унга нисбат этилган Мақомда туғилгандир (38).

Онаси янги туғилган болага нима лозим бўлса, ҳаммасини тайёрлаб, болани ўраб-чирмаб моғорада қолдирди ва уйига қайтди. Ва уйдан моғорага қатнаб, болага қараб турди. У ўғлининг ўнг қўли бош бармоғини эмиб ётганига гувоҳ бўларди. Эри Озар ундан ҳомиласини нима қилганлигини сўраганда, у:

- Бир ўғил туққандим, ўлди, — деб жавоб берди.

Озар уни тасдиқлаб, жим бўлди (39).

Иброҳим алайҳиссалом Исо алайҳиссалом милодидан тахминан икки минг йил аввал туғилгандир (40). Иброҳим алайҳиссалом моғорада бир кунда бир ҳафталик, бир ҳафтада бир ойлик, бир ойда бир йиллик каби тез вояга етар эди. У моғорада 5 ой қолди. Озар ўғлининг моғорада яширин туғилиб, ўсганини билиб, жуда севинди (40).

Намруд эса бу бўлиб-ўтган воқеаларни унутганди (41).

Иброҳим алайҳиссалом вояга етди (42). У она ва отасидан бошқа ҳеч кимни кўрмаган эди (43).

(Давоми келгуси саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Иброҳим алайҳиссаломнинг она ва отасига берган илк саволлари

Иброҳим алайҳиссалом моғорада онасидан:

- Менинг Роббим ким? — деб сўради.

Онаси Нуна: - Мен, — деб жавоб берди.

Иброҳим алайҳиссалом: -Сенинг Роббинг ким? — деб сўради.

Онаси: - Отанг, — деди.

Иброҳим алайҳиссалом:

- Отамнинг Робби ким? — деб сўради.

- Намруд, — деди Нуна.

Иброҳим алайҳиссалом:

- Намруднинг Робби ким, — деб сўради.

Онаси: - Жим бўл! — деди.

Иброҳим алайҳиссалом жим бўлди. Нуна хотин ерининг ёнига келиб: - Кўрдингми, халқнинг динини ўзгартирадиган бола сенинг шу ўғлингдир, — деди ва Иброҳим алайҳиссаломнинг саволларини Озарга етказди.

Озар ўғлининг ёнига борганда ўғли ундан ҳам: - Отажон, менинг Роббим ким?, — деб сўради.

Озар: - Онанг, — деб жавоб берди.

Иброҳим алайҳиссалом:

- Онанинг Робби ким?, — деди.

Озар: - Мен, — деди.

Иброҳим алайҳиссалом:

- Сенинг Роббинг ким? — деди.

Озар: - Намруд, — деди.

Иброҳим алайҳиссалом:

- Намруднинг Робби ким?, — деди.

Озар ўғлига бир шаппат уриб:

- Жим бўл!, — деди (45)

Иброҳим алайҳиссаломнинг моғорадан чиқарилиши

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Торох (Озар) ўртоқларидан:

- Менинг бир ўғлим бор, уни қиролнинг "ўлдир" деган буйруғига қарамай ўлдирмагандим. Бу болани яширган жойимдан чиқарсам, буни таҳликали деб ўйлайсизларми? — деб сўради. Уртоқлари:

-Иўк, бор, олиб кел, — дейишди.

Озар Иброҳим алайҳиссаломни ер остидаги моғорадан ташқарига чиқарди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг илк бор кўрган ҳайвонлари ҳақида саволлари

Иброҳим алайҳиссалом моғорадан чиқиб, ер юзидаги ҳайвонларни кўриб, туя ҳақида:

- Бу — нима? — деб сўрайди.

- Бу туядир, — деб жавоб беради отаси.

Иброҳим алайҳиссалом инак (бузоқ) ни кўриб:

- Бу — нима? — деб сўрайди.

Отаси:

- Инак, — деб жавоб беради.

Иброҳим алайҳиссалом отни кўриб:

- Бу — нима?, — деб сўрайди, отаси унинг от эканлигини айтади.

Иброҳим алайҳиссалом кўйни кўриб, савол берганда, отаси бу ҳайвоннинг кўй эканлигини айтади.

Иброҳим алайҳиссаломнинг иршод Этилиши ва Аллоҳини топиши

Иброҳим алайҳиссалом ер юзида кезган бу ҳайвонларга қараб, "ҳар ҳолда шу жониворларнинг бир Робби бўлиши керак" деб ўйлади.

Иброҳим алайҳиссалом моғорадан илк чиққанида, кун ботган эди. Иброҳим алайҳиссалом бошини кўтариб осмонга қараганда, кўзига илк дуч келган юлдуз Муштарий юлдузи эди (46). Аллоҳу Таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг юлдуз, ой ва кўёшни кўриши ва ҳаққа эришувини Қуръони Каримда Шундай билдирди:

"Шундай қилиб Иброҳимга, (ўзига ҳужжат қилиб олиши) ва аниқ ишонувчилардан бўлиб қолиши учун, унга осмон ва ер мулкини кўрсатдик. Бас, уни тун қоронғилиги

алайҳиссалом бутларнинг оёқларидан боғлаб, судраб олиб борарди (51).

Ва: - На зарари, на-да фойдаси тегмаган бу бутларни оладиган борми? — дея сасланар эди ва ундан ҳеч ким бутни сотиб олмасди. Иброҳим алайҳиссалом бу сотилмаган бутларни ирмоққа олиб бориб, бошларини сувга тикар ва:

- Ичинглар, — дея масхара қиларди. Шундай қилиб, бутларнинг бирортасини ҳам сотмай, қайтариб келарди (52). Акалари эса қўлларига берилган бутларнинг ҳаммасини сотиб келишарди (53).

Иброҳим алайҳиссалом матоҳ ва кийим тижорати билан шуғулланган (54).

Ҳижратдан сўнгра дехқончилик билан шуғулланган (Ҳаким. "Мустардак", 2- жилд, 596- саҳифа).

Озарнинг Иброҳим алайҳиссаломни Намрудга олиб бориши

Иброҳим алайҳиссалом: - Аллоҳдан

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (7).

ўраб олганида, юлдузни кўриб "мана шу Роббимдир", деди. Юлдуз сўниб ботганида, "мен ботганларни сўймайман", деди. Сўнгра туғаётган ойни кўриб, "мана шу Роббимдир", деди. У ҳам ботиб кетгач, "онт ичаманки, агар Роббим менга ҳидоят қилмаса, мен ҳам йўлдан озганлар қавмидан бўламан", деди. Кейин чиқаётган кўёшни кўриб, "Роббим — мана шу, у ҳаммасидан каттароқ!", деди. У ҳам ботиб кетгач, "Эй қавмим, мен сизнинг ширкингиздан узоқман. Муҳаққақки, мен бир муваҳҳид ўлароқ юзимни осмонлар ва ерни яратган зотга қаратдим ва мен мушриклардан эмасман", деди (Анъом сураси 75-79).

Робби унга: "Бўйинсун!", деганида, у "Оламларнинг Роббига таслим бўлдим!", деди (48).

Иброҳим алайҳиссаломнинг халқини алайҳиссаломнинг огоҳлантиришга бошлаши

Иброҳим алайҳиссалом ўз қавмининг бутларга топинишига ҳайратланиб:

- Қўлингиз билан йўнган бу нарсаларга нечун топинмоқдасиз? — дея хитоб этарди. Қавми унга:

- Буни бизга сенинг отанг ўргатди, — деб жавоб берарди. Иброҳим алайҳиссалом:

- Муҳаққақки, менинг отам ҳам йўлдан озганлардандир, — дер эди (49).

Озарнинг Иброҳим алайҳиссаломга акалари билан бирга бут соттириши

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Торох (Озар) ўз қавми топинадиган бутларни ясар ва уларни сотиш учун ўғилларига, жумладан, Иброҳим алайҳиссаломга ҳам бериб (50):

- Бутларнинг каттасини шу нархга, кичигини бу нархга сотинглар, — деб бозорга юборарди. Иброҳим

бошқа илоҳ йўқдир. У менинг Роббимдир. У ҳар нарсаинг Роббидир! — деган сайин онаси ва отаси Намруддан кўрқиб, йиғлар ва Иброҳим алайҳиссаломни огоҳлантирар эдилар. Иброҳим алайҳиссалом эса: - Мен учун Намруддан ҳеч кўрқманглар, мени кичиклигимда кўриган, катта бўлганимда ҳам кўрияхақдир, — дерди. Лекин Озар биттасининг Намрудга чақимчилик қилишидан кўрқиб, ўзи Намрудга бориб: - Эй қирол, сенинг туғилишидан кўрқанинг бола — менинг шу ўғлим бўлади. У уйимда эмас, бошқа ерда туғилиб, уйга олиб келингунча ундан хабарим йўқ эди. Мана, ўзим сенга хабар беряпман. Уни нима қилсанг қил, фақат мени айблама! — деди у. Намруд: - Уғлингни олиб кел, — деди.

Озар Иброҳим алайҳиссаломни Намруднинг ёнига олиб борди.

Намруд мажлисини безатиб, аскарларини саф-саф тизган эди.

Иброҳим алайҳиссалом соғ-сўлига боқиб: - Эй қавм, сиз кимга топинасиз? — дея хитоб этди. Намруд эса:

- Эй Иброҳим, сен менинг динимга кир, сени мен яратдим, ризқингни ҳам мен бераман, — деди. Иброҳим алайҳиссалом: - Эй Намруд, сен ёлгон сўйлаяпсан. Мени яратган Робб менга тўғри йўлни кўрсатган Роббдир. Менга едирган, ичирган ҳам ўша Роббдир, — деди ва халқ ҳам, Намруд ҳам лол бўлдилар. Шунда Намруд Озарга: - Эй Озар, ўғлинг ҳали кичик, нима гапирганини, менинг кадрү кийматимни билмайди, мулк ва салтанатимнинг буюклигини англамайди. Сен уни дарҳол олиб кет. Унинг азобимнинг шиддатидан кўрқит, балки ёпишиб олган нарчасидан қайтар, — деди (55).

Муҳаммад Солиҳ
«Пайғамбарлар Тарихи» (2009)

Марказий Осиё ҳаётини ёритувчи fergananews.com нашри муҳаррири Даниил Кислов чоп этган бугунги мақола шундай номланган.

Қуйида ушбу мақоланинг қисқартирилган таржимасини келтирамиз:

Гулнора Каримова атрофидаги сўнгги воқеалар, унинг бизнес ва медиа тузилмаларига қарши босимлар, айниқса, унинг танаси ва ҳамёнига энг яқин бўлган шахсларнинг мажбуран терговга келтирилиши, Ислоҳ Каримов режимининг заифлашганини кўрсатмоқда, деган талқинлар нотўғри.

Тошкентда содир бўлаётган ҳодисалар, биринчи президентнинг жисмонан кетиши арафасида ҳукумат учун кучайган сарой курашидан бир лавҳа ҳам эмас.

“Гулнора клани” дегани ҳам аслида йўқ нарса. Балки, то “ота” тирик ва соғ-саломат экан, ҳамма нарса унга боғлиқ ва унга бўйсундирилган.

Сочи-2014 очилишида унинг қандайин тетик эканини кўрган одамда бунга шубҳа қолмайди.

“Махсус хизматлар фитнаси” дегани ҳам йўқ нарса. Чунки отасининг тахтига кўз тикиб турган қиз ҳам мавжуд эмас. Гулнора – бир малика холос, нима истаса гапира оладиган, нима истаса қила оладиган, истаса сиёсатшунос, ё дизайнер, ё шоира, ё кўшиқчи ролига кирадиган, аммо Ўзбекистондай мамлакатда олий тахт ҳаққидан маҳрум бир малика, холос.

Гулноранинг бугунги “қулаши” – Каримов шахсий режимининг заифлашганини эмас, балки унинг кучли ва совуқ хушёрлигини кўрсатади.

Каримов ҳали ҳам ўз хонлигида ҳамма нарсани ўз назорати остида тутиб келмоқда, ва Гулноранинг империясини барбод этиш фармони ҳам шахсан Каримов бериши мумкин бўлган.

Хўп, нега берганди у бундай фармонни?

Сабаблар бир қанча. Асосий сабаб шуки, Каримов ўз тўнғичининг ҳатти-ҳаракатлари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсига нақадар ёмон таъсир кўрсатганини англаган.

Ўтган йигирма йил мобайнида Ўзбекистонни кўп чет эллик сармоядорлар тарқ этган бўлса-

да, барибир ҳам, хориждан келадиган молиявий оқимлар бутунлай узилиб қолмаган эди.

Аммо сўнгги икки моҳро – TeliаSonera ва МТС жанжали хорижий сармоядорларни тамомила ҳафсаласини пир қилди. Иккала жанжалда ҳам калаванинг учи на Вазирлар Маҳкамасига, ва на Президент маъмуриятига, балки шахсан Гулнора Каримовага бориб тақалаверди.



Европада хатга олинган – унинг ёки бошқаларнинг номига очилган – ҳисоблардаги пуллар ҳам айнан унга тегишли пуллар эди. Бутун дунёда унинг ҳақидаги матбуот чиқишларининг барчаси “Ўзбекистон президентининг кизи” ибораси билан чоп этиларди. Ва токи Гулноранинг таъсири сақланиб қоларкан, обрўсизланиш оқибатида Ўзбекистон иқтисодига келаётган фалокат тобора каттайиб борарди.

Эҳтимол, Ислоҳ Каримов буни ўзи англаб етгандир. Эҳтимол, Гулнора билан ҳисоб-китобни битириш пайида юрганлар ҳам топилар унинг атрофида, ҳар ҳолда улар ҳам қулай фурсатни пойлаб, “ота”ни узил-кесил чора кўришга ундадилар.

Бугун зоҳирда ҳатто ўз фарзандларига ҳам “қўнғил-бўшлик” қилмаслигини намоён этиш билан Каримов ўзини олдингидай қаттол ва автократ раҳбар эмас, балки ҳақиқий “ватанпарвар” ва (унинг тасаввурича) “давлат зехнияти” соҳиби қилиб кўрсатмоқда.

Кечагина ўз қўли билан барча имтиёзларни муҳайё қилиб бергани кизининг бугун давлат манфаатлари йўлида танобини тортиб қўя олишини кўрсатмоқда. Охириги 15 йил ичида Каримовнинг ташқи танқидлар қаршида пинагини ҳам бузмаслиги аён бўлди.

Дунё унинг турмаларидаги кийноқлар ҳақида ёзадими, аёлларнинг стерилизацияси ёки болалар мажбурий меҳнати ҳақида ёзадими, барибир эди.

Аммо, бугун қанчалик хорижий сармояларни жалб этиш ҳақида қаторма-қатор фармонларга имзо чекмасин, барибир, бу бюджетга – президентнинг қариндошлари тарафидан талон-тарож қилинган ва бутунлай нольга яқинлашган

бу давлат бюджетига – четдан ҳеч ким пул бергиси келмаётгани, Каримовга барибир бўлмай қолди.

Сўнгги босим ва ҳибслар – ҳам ичкаридаги ҳам ташқаридагилар учун бир сигналдир. Ташқаридагилар учун – ҳали ҳам Каримовда куч-қувват бор, ва у билан гаплашиш мумкин, дегани бўлса; ичкаридагилар учун – Каримов аслида адолатли, лекин қаттиққўл ота, дегани. Гулноранинг ва халқнинг “ота”си, дегани.

Афтидан, Каримов кизини ҳеч қачон ўз тахтига ворис ўлароқ кўрган эмас.

Бугун эса фақат уни сиёсий сахнадан супуриб чиқармоқда, холос. Энди барча ресурсларидан – улар орасида асосий ресурс бу ота ҳимояси эди – маҳрум қолгач, Гулноранинг суянадиган ҳеч нарсаси қолмайди.

Шундай қилиб, Гулнора аста-секин четга чиқарила бошлайди. Чет элларга камроқ қайтнайдиган, кайф-сафо базмларида камроқ кўринадиган бўлади.

Бориб-бориб, унинг твиттерини ҳам камроқ ўқийдиган бўлишади. Отаси нариги дунёга равона бўлгач эса, бутунлай унут бўлади-қолади.

Зеро “ота”сиз – унинг раҳмию-қаҳрисиз – у ҳеч ким эмасди ва ҳеч ким бўлолмайди.

Наманган вилоят суди Тўрақўрғон тумани ҳокимлигининг икки нафар ходими – Дилшод Мирзаев ва Баҳром Муҳиддиновни – озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Суд мазкур шахсларни порахўрлик ва талон-тарож орқали мулкни ўзлаштиришда айблаган, дейилади 12uz.com хабарида.

Тўрақўрғон тумани ҳокимлигининг молия бўлими муовини Дилшод Мирзаев болалар боғчалари учун пул мукофотлари ажратиш учун боғча раҳбарларидан мукофотнинг 20%ни нақд пул кўринишида олган.

Бундан ташқари, бир қатор мактабгача таълим муассасалари бир маргалик пул мукофоти олиш

Тўрақўрғон ҳокимчалари боғча болалари ҳаққини «егани» учун қамалди



учун Мирзаевга 5 миллион сўм йиғиб беришлари керак бўлган.

Молия бўлимининг яна бир ходими Баҳром Муҳиддинов эса болалар боғчалари учун ажратилган 15,3 миллион сўмлик картошка ва гўшт маҳсулотларини, 18,5 миллион сўмлик хўжалик

маҳсулотлари ва 10,9 миллион сўмлик ўтинни “ўзлаштириб” юборган.

Хабарда айбдорларга нисбатан қандай чора кўрилгани ҳақида маълумот берилмаган.

UZBEK.FM



21 феврал куни Швеция пойтахтида ўзбек мусулмонлар жамоаси, 2012 йилда суиқасдга учраган ва бугунга қадар кома ҳолатида қолаётган Обидхон қори Назаров ҳимоясига пикет ташкил қилишини маълум қилди.

Обидхон қори Назаровга 2012 йилнинг 22 февралда суиқасд

қилинган, айбдорлар эса хануз жазолангани йўқ.

Пикет иштирокчилари Швеция ҳукуматидан имомга қилинган суиқасд устидан янги суриштирувлар зарурлигини талаб қилишмоқчи.

Аммо ўтган икки йил мобайнида ушбу жиноят бўйича икки марта суд бўлиб ўтган.

Унда суиқасдга шерикликда гумонланган ўзбекистонлик эр-хотин Нодира Аминова ва Баҳодир Пўлатовлар далилларнинг етарлича

СУИҚАСДДАН ИККИ ЙИЛ ЎТИБ ОБИДХОН ҚОРИ ҲИМОЯСИГА ПИКЕТ

Бундан ташқари, пикетда яна Ўзбекистондаги қатағон ва зўронликларни тўхтатиш, ўнлаб сиёсий ва диний маҳкумларнинг озодлиги талаб этилади.

Обидхон қорининг ўғли Довудхон Назаров суиқасдни Ўзбекистон ҳукумати ташкил этганига ишонишини билдирган.

эмаслиги вазидан озод этилган.

Суиқасдда асосий гумондор – Юрий Жуковский – суиқасд содир этилиши билан Шведиядан чиқиб кетган ва бугунгача қаердалиги номаълум.

UZBEK.FM

Ўз нафсини ўйлаб қўпчилик ҳаққига хиёнат, ишониб топширилган мулкни талон-тарож қилиш, расмий ҳужжатларда ёлғон ишлатиш – буларнинг барчаси анчагина жиддий жиноятлардир.

ЎЗБЕКИСТОНДА «НАМУНАЛИ УЙ» ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ ЁЛҒОНЛАРИ ФОШ ЕТИЛДИ

Буларни ҳамма яхши билади. Бироқ баднафслик йўлига кирган айрим магассадди инсонлар билиб туриб ана шундай жиноятларга қўл урадилар. Вилоятимизнинг турли масканларида қурилаётган намунали уй-жойлар бунёд этиш ишониб топширилган айрим жамоаларнинг баъзи маълум раҳбарлари айнан шундай жиноятларни содир қилишган.

Хусусан, “Қишлоққурилиш инвест” инжинеринг компаниясининг вилоят филиали билан “Муборак имкон қурилиш” корхонаси ўртасида Дехқонобод туманининг Бешбулоқ массивида

10 та намунали лойиҳадаги уй қурилиши бўйича шартнома тузилганди. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 1 120 084 900 сўмни ташкил қилади. Шартномага асосан намунали уйлар қуриш масъулиятини зиммасига олган “Муборак имкон қурилиш” корхонаси бу уйларнинг белгиланган муддатда тўлиқ битказиб топширилишини

таъминламади. Уйларнинг қурилиши юзасидан 1 085 831 700 сўмлик қурилиш – монтаж ишлари бажарилганлиги тўғрисида “3-шакл” ҳисоботини тузиб, расмийлаштириб буюртмачига тақдим қилди. Аммо ушбу ҳисоботда 166 миллион 148 минг 270 сўмлик аслида умуман бажарилмаган қурилиш-монтаж ишлари ёлғондан бажарилди, деб қўшиб ёзилганлиги ва бу маблағ талон-тарож қилинганлиги назорат жараёнида маълум бўлди.

Ушбу қонунбузилиш ҳолати юзасидан “Муборак имкон қурилиш” корхонасининг раҳбари Шавкат Маманисоев ва бошқа масъул ходимлар фаолияти бўйича жиноий иш қўзғатилди. Айбдорлар суд ҳукмига биноан тегишли даражада жазоландилар.

Ганжа Мухсин

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Аммо, курук сафсатадан иборат айбномаларга жавоб сифатида, "бармоғини сўриб" ёзган шеърларида, ҳақиқатни тараннум этганини кинояли тарзда билдиради. Шоир, худди дард инсонни сўриб олгандай, худди илон захрининг, ёки қоннинг сўрилгани каби, ҳақиқатни, ҳаётнинг ҳақиқий чехрасини, бармоқларини сўриб, юзага чиқарганини ифода этади.

*Дард сўриб олгандай гўё инсонни,
Сўриб олган каби илон захарин.*

Сўриб олган каби

қип-қизил қонни

Сўриб олингандир

шоир шеърлари.

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Шоир 1995 йилда чоп этилган "Ўзбек миллиятчилиги" номли мақоласида 1980 йилларга келиб, шеърият "метафорик қобиғини" аста-аста ёра бошлагани ва қолаверса, Горбачевнинг 1985 йил апрелида эълон этган қайта қуриш ва ошкоралик сиёсатидан кейин адабиёт "пистирма"дан чиққанини билдиради. Шоир бу йилларда ёзган шеърларида, тузумдан норозилигини очиқ ўртага ташлайди. Бу давр оид "Дехқон қўллари", "Ўзбек аёлига", "Бошқа", "Тараққиёт" ва "Мақол" каби шеърларида турк халқлари ўлкаларининг мустамлака ҳолига келганларини билдиради. Номлари айтиб ўтилган илк уч шеърда ҳам тупроғи, ҳам халқлари билан пахтага қул этилган Ўзбекистоннинг таланглиги баён этилади. "Дехқон қўллари" шеърларида, ўзбек дехқонини

Бир қўлим кўксимда

турар мунтазам,

Бир қўлим раисга

саломлар берар,

Ишга шўнғиб кетар

қолган ўнтаси –

Қолган ўнта қўлим

пахтани терар.

Қўлдан иборатдир

менинг вужудим,

Кўзим – қўл, юзим – қўл,

оёғом ҳам қўл.

Неки туртиб чиққан

бўлса ичимдан

Бари қўл, ҳаттоки...

қулогим ҳам қўл.

мисраларида таърифланганидек, хизмат қилмоқ учун бутун борлиғи қўлга айланган.

"Бошқа" номли шеърда эса, Ўзбекистон бойликлари қизил байроқ остида талангани исбот талаб қилмайдиган шаклда ифодалангандир.

Ўт бор, ўлан бор,

майсдан гилам бор,

Май бор, полов бор,

алвон ранг ялов бор.

Бахт бор, саодат бор,

тўй бор зиёфат бор,

Ҳамма нарса бор,

ўзбекдан бошқа.

Қари бор, қартанг бор,

катта-ю кичик бор,

Аччиқ бор, чучук бор,

ит билан кучук бор.

Қурт бор, қумурсқа бор,

илон бор, чайн бор,

Ҳамма нарса бор

ўзбекдан бошқа.

Ўзбек қани?

Ўзбек – пахтада!

Бу ерда такрорлашдан усталик билан фойдаланган шоир, "бор" сўзини тўққиз мисрадан иборат шеърда, қисқа ораликларда 22 марта такрорлаш орқали, улуғ Туркистонда ҳамма нарса топилишини, атрофида эса, асл эгаси ўзбекдан бошқа барчанинг тўқин дастурхон атрофига йиғилганини ташбиҳ этмоқда. 1990 йилга қадар дунёдан айрилиб қолган Туркистон ва Туркистон турklarининг фожеаси, қамчи зарбалари остида пирамидларга тош олиб чиққан Фиравн қўллари, пахта пайкалларида ёнлари чиққунча ишлатиш учун Африкадан Америкага олиб келинган, занжиларнинг аянчли ҳолини хотирлатмоқда.

Ҳамиятли инсоннинг бундай оғир вазиятда жим турмаслиги лозимлигини билдириб, шоир, "Ўзбек аёлига" шеъри орқали қишлоқ ўзбекларининг исёнга чақиради.

"Орзу фуқароси" китобида сензўрлар томонидан "Шоирнинг севгилисига ёзган очиқ хати" номли шеърда Муҳаммад Солиҳ шундай деб хитоб қилади:

Мунисам, пахтадан

бошингни кўтар,

Кун ботди, келди бош

кўтармоқ пайт!

Чўлни қувавериб, ўзинг

ҳам дилбар,

Чўлга қувгин бўлдинг, етар,

уйга қайт.

Ёрим, ухламагин!..

Аммо инсоний ва миллий шуурдан маҳрум этилиб, манкуртлаштирилган ва:

Пахтани терасан...

ватанга бериб,

Донг қотиб ухлайсан,

фақат ухлайсан.

мисраларида ифода этилганидек, ягона иши, терган пахтасини топшириб, ғафлат уйқусида донг қотиб ухлаётган халқни уйғотиб, оёққа турғизмоқ осон иш эмас.

Муҳаммад Солиҳ "Кримлик қардошлар"га бағишланган "Тараққиёт ва Мақол" шеърларида эса, 1994 йилда ватанларидан сургун қилинган крим турklarининг ҳазин саргузаштларини ёдга олади. Шоир бу тажриба Совет тараққиётининг бир натижаси эканлигини ирония орқали тасвирлайди.

Рус Совет империяси "тараққиёт" туфайли ҳар нарсага қодир кучга эришган эмиш. Аслида, даҳшат тажассум бўлган бу куч қаршисида инсон фарзандининг тажрибаси ва донолигини кўрсатган мақоллар ҳам ожиз колмоқдадир.

Масалан, "Эл оғзига элак тутиб бўлмайди", ёки "Ойни этак билан ёпиб бўлмайди" каби мақоллар совет тараққиёти қаршисида ўз аҳамиятини йўқотиб бўлган. Яъни, ҳар нарсага ўлим тахдиди билан сир сақламоқ мумкин, инсонларнинг овозини ўчирмоқ, ҳақиқатни яширмоқ мумкин.

Ана шундай "тараққиёт" ва "қудрат" соясида қрим турклари бошқа "сайёра"га кўчирилдилар.

Буни қаранг-ки, яна айни "тараққиёт" ва "қудрат" қаршисида бутун дунё ҳеч эътироз билдирмай, жим турди:

Мана, тараққиёт қуёши балқди,

Бизлар ҳар нарсага қодирмиз

бу кун.

Агарда истасак, бутун

бир халқни

Бошқа сайёрага

кўчириш мумкин.

Тараққиёт ёнида

ожиздир мақол:

Эл оғзига этак топиш

ҳам мумкин,

Агар биз истасак, бугун бемалол,

Ойни этак билан

ёпиш ҳам мумкин.

(Давоми келгуси сонда)



Қийналган, ночорлашган шерикларига ёрдам кўрсатиш, мурувватли бўлиш, инсонларга хос одамийлик фазилатлари ҳисобланади. Аммо ҳар қандай инсон қалбида ҳам бу сингари ижобий хусусиятлар ва фазилатлар мавжуд бўлавермас экан. Аксинча, баъзи инсонларнинг қийин аҳволдаги кишиларнинг ожиз ҳолатидан фойдаланиш, ўзгалар меҳнати орқасидан ўз нафси «ўпқон»ларини тўлдириш сингари ғайриинсоний ва номақбул хислатларга эгаллиги ачинарлидир. Яқкабоғ туманининг Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшайдиган, 1976 йилда туғилган Соли Бўроновнинг ана шундай ўз нафси йўлида ўзгаларга жабр кўрсатишдан тоймайдиган салбий хислатли инсонлардан эканлиги намаён бўлди.

Соли Бўронов 2005 йилдан буён Россияда ишлаб келарди. Сўнгги уч йил мобайнида Москва вилоятининг «Солнечногорск туманида «ООО Фирстрой»

қурилиш фирмасида фаолият олиб бораётгани. Ўтган йил сентябрь ойининг ўрталарида таниши Хамро Ёрбеков унга учрашиб, ҳамқишлоқлари учун иш топиб беришини сўради. Соли Бўронов Хамро Ёрбеков билан биргаликда Хамронинг қишлоқдошлари, ўша вақтда ўзга элда, яъни Россияда ишсизликдан қийналиб қолган Мамат Некбоев, Шеркул Бекнаев, Икром Холмуродовларни телефон

АҚШ доллари, яъни Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси бўйича 16 178 518 сўм миқдорда иш ҳақи ваъда қилади.

Тезликда ишга киришган Мамат Некбоев, Шеркул Бекнаев ва Икром Холмуродов бир ой давомида айтилган ишни бажаришади.

Иш якунига етганда Соли Бўроновнинг бирданига ишчиларга муомаласи ўзгариб қолади. У учала ишчига кўполлик қилиб, уларни

ЎЗГАЛАР ҲАҚҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛГАН ЛЎТТИБОЗ 5 ЙИЛ ҚАМОҚДА ЎТИРАДИГАН БЎЛДИ

билан чақириб олишади. Фирма раҳбари ҳам худди шу пайтда қўшимча ишчилар кераклигини айтгани. Соли Бўронов янги чақирилган ишчилар билан оғзаки шартнома тузиб уларга анчагина катта ҳажмли иш улкан бино пойдевори учун бетон қуйишни топширади. У ўзини ушбу қурилишда иш юритувчи эканлигини билдириб, ишларни бажаришни назорат қилишини, иш тугагач, ўзи қабул қилиб олишини, ишчиларнинг озик-овқат таъминотини ҳал қилишини, иш ҳақларини олиб беришини тўлиқ ўзи бажаришини айтади.

Айрим ташкилий ишлар ва озик-овқат харажатларидан ташқари Бўронов учула ёлланма ишчига бажарилган иш учун 8200

ҳақаротлаб арзимас иш ҳақи бериб, уларни тезликда бу ердан кетишларини айтади. Маълум бўлишича Соли Бўронов учала ёлланма ишчининг ҳар бирига 500 АҚШ долларидан, жами 1500 АҚШ доллари бергани. Бу пулларни у ҳар замонда бўлиб-бўлиб тарқатган.

Бир ойлик ноқулай шароитдаги оғир иш учун ваъда қилинган меҳнат ҳақининг 6700 долларини Соли Бўронов ўйламай-нетмай ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Соли Бўронов бу фирибгарлиги билан жиноят ишлари бўйича Яқкабоғ туман судининг ҳукмига кўра, тайинланган 5 йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазосини умумий тарбия коллонияларда ўтайдиган бўлди.

Ганжа Мухсин

Мақсаднинг аниқ бўлиши ҳимматнинг кучайишига сабаб бўлади. Энди сиз мендан қандай қилиб ҳиммат кучайтирилади, деб сўранг. Авваламбор, биз ҳаётимиздаги асосий мақсадни аниқлаб олишимиз ҳамда ҳаётимизнинг кадр-қимматини билмоғимиз даркор. Кўпчилик одамларнинг тириклиги худди ўликлик кабирдир. Улар бор бўлгандан кўра

ИРОДАЛАР ҚАНДАЙ ЮКСАЛАДИ

йўқ бўлганлари яхшироқ. Улар на ўзлари учун ва на динлари учун ва на уммат учун бирор бир иш қилган эмаслар. Улар ҳайвонлар каби еб-ичиб, яшаб юрибдилар. Мана шу уларнинг қайғулари, мана шу уларнинг ҳаётлари. Олийҳиммат кишиларнинг эса ўз олдларга қўйган мақсад-вазифалари бор. Уларнинг мақсадлари Аллоҳнинг сўзигина юксак, кофир кимсаларнинг сўзлари эса қуйи бўлишидир. Шу мақсад йўлида яшаб, шу йўлда жонларини берадилар. Агар мақсад аниқ бўлса, йўл равшан бўлади. Эй олийҳиммат киши, шунга ҳам

билгинки, йўлда тўсиқлар ва қоқилиш ҳам бўлади. Агар одам «Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз.» оятининг маъносини билса, бу тўсиқлардан ўта олади. Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтадилар: «Агар мўмин киши тоғ олдида туриб, шу тоғни жойидан кўчираман, — деса, Аллоҳнинг изни ила кўчириб юборади.» Агар юксак ҳимматли,

қалбига иймон мустаҳкам ўрнашган киши тоғни талқон қиламан, — деса, агар у «Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз» оятининг маъносини билса Аллоҳнинг изни ила у тоғни талқон қилади. Шунга ҳам билгинки — Аллоҳ сени ўз паноҳига олсан — бу дунёда қилиш имкони йўқ фақат иккитагина иш бор:

- Биринчиси: Кавний ишларни ўзгартириш. Аллоҳ таоло Қуёшни шарқдан чиқаради. Биз уни ғарбдан чиқара оламизми? Бунинг иложи йўқ.

- Иккинчиси: Шаръий ишларни ўзгартириш. Аллоҳнинг динини

ўзгартириб ёки алиштириб бўлмайди. Аллоҳ таоло пешин намозини тўрт рақат қилиб фарз қилган. Биз уни уч ёки беш рақат қила оламизми? Бўлиши мумкин эмас. Шу иккаласигина бўлиши мумкин эмас. Бу иккисидан бошқа ҳар қандай нарсанинг иложи бор. Ҳаёт сўқмоқларида борар экансан, «иложсиз» деган сўз фақат ожиз кишиларнинг қомусида бор эканлигини унутма. Билгинки, энг осон амалга ошадиган нарса муваффақиятсизликдир. Йўлингда тўғаноқлар бор эканини ва сен «Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз.» оятининг маъносини билсангинга улардан ўта олишини билиб олишинг зарур. Лекин сен йўлингда давом этар экансан, ким учун амал қилаётганингни аниқлаб ол! Аллоҳ учунми ёки бошқаси учунми? Мақсадинг охираат саодатими ёки дунёми? Мақсадинг Раҳмоннинг жаннатими ёки ўткинчи дунё ва ундаги ноз-неъматларми? Йўлингни ва ким учун амал қилаётганингни аниқлаб ол!

Ислон нури



Ўзбекистонда чиқинди учун аҳолига мажбурий тўлов жорий қилиш жараёни бошланди. Ёшидан қатъий назар ҳар бир киши учун 889 сўмдан ойлик чиқинди тўлови белгиланди. Бу тўлов чиқиндиларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатадиган қишлоқ аҳолиси учун ҳам мажбурийдир.

Самарқанд вилояти Қўшрабат тумани Мустақиллик маҳалласида яшовчи Озодлик манбасига кўра, ўтган ҳафта маҳалла фуқаролар йиғинида йиғилиш ўтказилиб, ҳар бир киши учун 900 сўмдан чиқиндига пул йиғиш жараёни бошлангани маълум қилинган.

“Қўшрабат туманида Комхоз аҳоли билан мажбурий шартнома имзолаяпти.

Шартномада кўрсатилишича, ҳар жон бошига ойига 900 сўмдан тўлаш керак. Бизниқидан чиқинди чиқмайди. Маҳалламизда ўзи чиқиндихона йўқ.

Уйдан чиққан чиқиндилар орасида ёнадигани бўлса, ёқиб исинамиз. Кулини эса оғордга ўғит ўрнида соламиз. Ювундиларни уй хайвонлари ейди. Умуман уйдан чиқинди чиқмайди.

Нафақат биз, маҳалламиздаги барча чиқиндини ўзи ишлатади, десак ҳам комхоздагилар “шартномани имзоламасанг, ҳоким мазангни қочиради”, деб одамларни кўркитиб ишини ботиришяпти”, дея хабар қилди исмини очиқламасликни сўраган қўшрабатлик.

Унинг айтишича, чиқинди тўлови бўйича шартномани имзоламаганларга жарима солиш билан таҳдид ҳам қилинмоқда.

“Агар шартномани имзоласак, кейин кўчамизга чиқинди қутисидан қўйиб, қонуний ишлайсизларми”, десак, “Йўқ, ҳеч нарса ўзгармайди, кўчага

мусор чиқармайсизлар”, дейишяпти.

“Унда бизга шартноманг керакмас” десак, табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан келиб, отнинг калласидек жарима босармиш ва албатта шартномани имзолатармиш барибир”, дейди қўшрабатлик манба.

Қўшрабат туман Ободонлаштириш бошқармасидаги масъул ходим чиқинди учун жорий қилинган мажбурий тўлов туман ва вилоят ҳокимининг махсус қарорлари асосида амалга оширилаётганини айтди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАР БИР КИШИ УЧУН 900 СЎМДАН МАЖБУРИЙ ТЎЛОВ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

“Махсус қарорлар асосида иш олиб бораёلمиз. Ҳар бир жон бошига 889 сўмдан ойлик абонент тўлови белгиланган. Абонент тўловида фуқароларнинг ёши ҳисобга олинмайди. Ҳар бир оиладаги болалар ва катталар учун бирдек 889 сўм”, деди Ободонлаштириш бошқармасининг исмини очиқламаётганимиз масъули.

Масъул ходимга кўра, чиқинди борасидаги мажбурий тўлов нафақат Қўшрабат, балки Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқ аҳолиси учун бирдек тааллуқли бўлиб, бу Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги 315-сонли қарорига асосланган.

“Ўзкоммунхизмат” агентлиги бош идорасидан олинган маълумотга кўра, Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида мамлакатнинг барча ҳудудидаги аҳолига чиқинди учун ойлик абонент тўлови йўлга қўйилади.

Мамлакатдаги ободонлаштириш бошқармаларидан бирининг исмини очиқламаётганимиз масъули чиқиндиларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатадиган қишлоқ аҳолиси томонидан мажбурий тўловга норозиликлар бўлаётганини тан олиб, бу борада аҳоли орасида тушинтириш ишлари олиб борилаётганини билдирди.

- Вазирлар Маҳкамасининг қарорига айтилаёптики, аҳолидан абонент базасини

шакллантирасизлар, деган гап бўлаяптида. Ҳақиқатдан ҳам, бизда, қишлоқ жойларида умуман пўчоқ бўладиган бўлса, молга берамиз. Кул бўлса, оғордга соламиз. Қоғоз-поғоз бўладиган бўлса, ўчоққа ёқамиз.

Лекин шу абонент базасини яратасан, дейилган қарор чиқдида. Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққанидан кейин шу қарор асосида меъёрни чиқариб қўйди. Шу бўйича мажбуرمىз, тераямиз, йиғаямиз.

Энди шу қарор бўйича пул тушуми бўлиши керак,- деди Ободонлаштириш бошқармаси масъули.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 315-сонли — “Республика аҳоли пунктларида санитария жихатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисидаги” қарорига кўра, 2014-2015 йилларда республика шаҳарлари, туманлар марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида санитария жихатидан тозалаш бўйича комплекс тadbирлар амалга оширилиши лозим.

Мазкур тadbирларни амалга ошириш учун табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, санитария-эпидемиология назорати, Ички ишлар бўлими, “Маҳалла” фонди ва яна бир қанча мутасадди ташкилотлар вакилларида тузилган махсус ишчи гуруҳ шуғулланаёпти.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, 2014-2015 йилларда мамлакат шаҳарларида қўшимча 1480 та ахлат тўплаш шохобчаси, туман марказларида 2044 та, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида 49268 та ахлат тўплаш шохобчаси қурилиши лозим.

ozodlik.org

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати
расмий нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Муҳаррир: Камолитдин Йўлдош